Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 30 апрель, шанба № 81 (21.685). Сотувда эркин нархда.

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲИКМАТ ЧЕТИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири. (ЎзА).

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четинни қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ҳикмат Четинга миннатдорлик изҳор этди. Турк халқига барча соҳаларда муваффақият тилади.

Ҳикмат Четин Туркия раҳбарларининг саломини етказар экан, икки қардош халқ ўртасидаги алоқалар муваффақиятли ривожланиб бораётганидан мамнуний изҳор этди. Иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги яқин ҳамкорлик яхши натижалар бераётганини таъкидлади. Айни пайтда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар хусусида сўзлади. Туркияликлар Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб боришаяпти, деди Ҳикмат Четин.

Қабул маросимида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эрдўғон Айтун мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов элчини Ўзбекистонда фаолият бошлаётганлиги билан табриклаб, унинг икки мамлакат ва халқ манфаати йўлида хизмат қилишига умид билдирди.

Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг турли жиҳатлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

Шу куни Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов билан учрашди. Мулоқот пайтида Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

НАМАНГАН ШОЙИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИР ГУРУҲ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ Б. Н. ЕЛЬЦИНГА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ И. П. РИБКИНГА

ОЧИҚ ХАТИ

Биз, Ўзбекистонда яшаётган руслар, сиз, Президент жаноблари ва Давлат думаси Россия Либерал-демократик партиясининг раҳбари Владимир Жириновский ва унинг ҳаммаслаклари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлмиш Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан очиқдан-очиқ шовинистик фикрлар баён қилаётгани ва режалар тузаётганига муросасозлик билан қараётганингиздан ҳайратга тушиб, ажабланмоқдамиз.

Биз, бу заминда яшаётган руслар, меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тинчлик, осойишталик ва миллий тотувликни таъминлашга қаратилган сиёсатини кўриб ва ҳис қилиб турибмиз.

Биз Москвада яшайдиган жаноб Жириновский бизнинг турмушимиз, ўзбек халқи билан ўзаро муносабатларимизга аралашишини асло истамаймиз. У ўз сиёсати ва масъулиятсизлик билан айтган гапларқ билан халқлар ўртасига нифоқ солмоқда, аслини олганда, фашистик ғояларни тарғиб қилмоқда.

Биз, Ўзбекистон диёрини ўзимизнинг иккинчи Ватанимиз деб билган россияликлар, аминмизки, Россия фақат маърифат нурини, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва тотувликни тарғиб қилади. Жириновский ўтказаётган сиёсат — Россиянинг сиёсати эмас.

Сизлар — халқ ҳокимиятни ишониб топширган кишилар — айрим сиёсатдонларнинг бемаъни даъволари устидан ҳақиқат тантанасини таъминлайсизлар, деб умид қиламиз.

Сизларга ҳурмат билан,

ГАЛИЦКАЯ, АФАНАСЬЕВА, ЧЕРЕМИСИНА, ЛОБИКИНА, ГОЛОВАНОВА, ШЕТИНИНА ва бошқалар.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ЭРДЎҒОН АЙТУН



1935 йил 10 майда Ускудар шаҳрида туғилган. 1962 йилда Анқара университетининг сиёсий фанлар факультетини тамомлаган.

1964 йилдан бери дипломатик хизматда.

1962 — 1964 йиллар — ҳарбий кучлар сафида хизмат қилган,

1964 — 1967 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида учинчи, иккинчи котиб,

1967 — 1970 йиллар — Туркиянинг Нидерландиядаги элчихонасида иккинчи, биринчи котиб,

1970 — 1972 йиллар — Туркиянинг Ироқдаги элчихонасида биринчи котиб,

1972 — 1974 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида биринчи котиб, иқтисод ва сиёсат бўлими мудири,

1974 — 1978 йиллар — Туркиянинг Эрондаги элчихонасида маслаҳатчи,

1978 — 1980 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири,

1980 — 1984 йиллар — Туркиянинг Ватикандаги элчихонасида маслаҳатчи, маслаҳатчи вакил,

1984 — 1986 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлигида маданият масалалари бўйича бўлим мудири,

1986 — 1989 йиллар — Туркия Ташқи ишлар вазирлиги маданият бошқармаси бош директорининг ёрдамчиси,

1989 — 1994 йиллар — Туркиянинг қатар давлатидаги элчиси.

Француз тилини мукаммал билади. Уйланган, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ»ДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

29 апрель куни Тошкентда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлди.

Семинар-кенгашга давлат мулкини бошқариш ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг масъул ходимлари, «Тошкент» республика жамғармалар биржаси вакиллари, тармоқ корхоналарининг раҳбарлари ва ходимлари таклиф этилди. Ҳукумат қарорига мувофиқ ва етакчи хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ҳисобга олиб, «Ўзбекенгилсаноат» тизимида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларини, шунингдек ёпиқ тусдаги акционерлик жамиятларини йил охиригача очиқ тусдаги акционерлик жамиятига айлантириш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

● ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

28-29 апрель кунлари Тошкентда Европа Иттифоқи комиссиясининг Марказий Осиё мамлакатларига техник ёрдамини мувофиқлаштириш бюролари вакилларининг халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи комиссиясининг Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон Республикаларидаги ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, ЕИКнинг Брюсселдаги қароргоҳи ва «Данграл Интернэшнл» компанияси вакиллари қатнашди. Учрашув қатнашчилари техник ёрдам кўрсатиш бўйича минтақада тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Келгусида минтақадаги ўзаро фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун маҳаллий мутахассислар билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш лозимлиги таъкидланди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИДА

ҚОНУНГА ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

«...Ўз вазифамни ҳалол, виждонан адо этишга, одил судловни амалга оширишда фақат қонунга бўйсунишга қасамёд қиламан». 29 апрель куни, республика Олий Суди пленуми ўтаётган залда бу сўзлар қайта-қайта такрорланди. Янги сайланиб, республиканинг суд идораларида ўз вазифасини бажаришга киришган судьялар Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мустақил давлатимиз байроғи остида Конституция ва адолатга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Тантанада сўзга чиққан Олий суд раиси У. Мингбоев ислоҳотларни амалга оширишда, ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишда, бугунги кунда Президентимиз, мамлакатимиз раҳбарияти илгари сураётган вазифаларни амалий ҳал этишда суд органларининг аҳамияти тобора ошиб бораётгнини алоҳида таъкидлади.

Пленум ўз ваколатига мувофиқ вилоят судлари ҳайъатлари раёсатлари таркиби ва раисларини тасдиқлади.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришда бўлган бир қанча муайян ишлар, шунингдек республика Олий Суди ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

● *Муаммо ечимини кутади*

Апрелнинг бошлари эди. Кўкча яйловларининг Қосимқўра массивида кечга борибсовуқ изғирин бошланди. Ёмғир томчилай бошлади. Ерни қоплаган яшил ва бошқа ёввойи ўтлар қорамтир тус олди. Чўпон Барот ака Латиповнинг юзидаги ажинлар қуюқлашди. Унинг нотинчликка тоқати йўқ. Лекин инсон табиат олдида ожизлигига тан бермай иложи йўқлигини билади. У вагон-уйга яқинлашганда ферма бошқарувчиси Зариф Шаропов машинада етиб келди. Унинг ҳам кайфияти йўқ.

ҚОРАКЎЛЧИГА КИМ ҚАЙИШАДИ?

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати ва гашти бор. Шу жумладан, қоракўлчи чўпонлар билан ақалли бир кун ҳамнафас бўлганлар, унинг дастурхонидаги қоқ нондан бир бўлак еганларгина яйловда кун кўриш машаққат эканлигини пайқайди. Айниқса, қорачироқ, фонус ёруғида қўйлари ҳолидан эринмай хабар олгани қишнинг тизза баравар қорида, изғирин ва қаҳратон тунда, жазирамада сурув ортидан одимлаб бораётган чўпон камдан-кам. У ҳам оёқларини чўзиб, телевизор кўрса, юмшоқ ўринга чўзилса арзийди. Лекин иложи йўқ.

— 44 йилдан буён чўпонлик қилиб келяпман, — дейди бош чўпон Неъмат Муродов. — Ўзим Ғиждувон шаҳриданман. Ўғлим Ҳусан ҳам чўпонликни ихтиёр этди. Ҳар йили сўзимнинг устидан чиқаман. Аммо 62 ёшга кирган бўлсам ҳам чўлни ташлаб кетгим йўқ. Бу йилги қиш ҳаммани саросимага солди. Лекин, сурув кетидан яшаймизми, отарни тўлдиришимиз шарт. Муаммо йўқ эмас. Ҳозир етиштирган теримиз, жуннинг нархи оширилмас экан, косамиз оқармайди.

Давлат хўжалигида бу чўпонни Неъмат ўрис ҳам дейишади. Ўзи «уруш болаларидан». Мовий кўзлари, сариғиш юзи, таёқ ушлаган бармоқлари, лабларига чўл изғирини соя солган. Қулоқчини ўрнида янги қоракўл теридан тикилган телпак йўқ. Оёғида кирза этик. Ана шулар бойлиги, холос. Ҳар кунги ҳаёти жасорат. 600 бошдан знёд қўйни боқиш осонми. Энди, маҳсулот нархи сув текин экан, деб сурувни ташлаб кетсинми? Йўқ, буни номардлик деб билади.

—Баъзан пастга (қишлоқа) тушсам, — дейди бош чўпон Барот Латипов, — уйда ўтиролмайман. Чўл ўзига тортади. Ўғил-қизларим билан изимга қайтаман. Чўпонлик мен учун мартаба эмас, касб. Касб бўлганда ҳам тинчитмайдиган касб. Шунда ўйланиб қоламан. Биз терини давлатга 4,8 минг сўмдан сотамиз. Бозорда бита қоракўл теридан тикилган телпак камида 90—120 минг сўм. Ёки теридан тикилган пўстиннинг нархини айтсам, лабингизга учуқ тошади. Биз минг машаққат билан етиштирган жун, тери кимларнингдир фойдаси учун хизмат қилса, алам қилади-да.

Саккиз юз бош қўйни парвариш қилаётган чўпон дардини эшитиб, ферма бошқарувчиси З. Шаропов ҳам дилини ёрди:

— Фермамизда 28 отар бор. Унда чўпонларимиз 18838 бош қўйни боқишяпти. Шундан 11867 бош совлиқ. Биз чўпонларга бир бош қўйни боқиш учун 410 сўмгача пул беramиз. Энди ҳисоблаб кўринг 600 бош боққан уч ёки тўрт чўпоннинг ойлик маоши неча сўмга келади. У яйловда нондан бўлак нарсани овқат деб ҳисобламайди. На кўкат, на мева-чева кўради у. Айримлари қорачироқда яшайди. Сувни айтмайсизми? У ташиб келтирилади.

Қоракўлчиликдаги муаммолардан яна бири яйлов. Ҳар бош қўйни боқиш учун 3-4 гектар яйлов керак. Давлат хўжалиги тасарруфида бўлган 261 минг гектар яйловда 13 та жамоа хўжалигининг қўйи ҳам боқилаётир. Давлат хўжалигининг 57859 бош қўй ризқига чанг солиш эмасми бу?

— Ферма бошқарувчиси фикрини энди мен давом эттирсам, — деб суҳбатга хўжалик раҳбари Бобомурод Нуров қўшилди. — Бозор иқтисодиёти энди дўппини ерга қўйиб, ҳисоб-китоб қилишни тақозо этмоқда. Қоракўлчиликни бундан буён давлат нуқтаи назаридан бошқариш қийин. Шунинг учун хусусийлаштиришга ўтиш лозим. Аввало, 3-4 та отарни ҳиссадорлик жамиятига айлантириш керак. Хўжаликни бутунлигича ҳиссадорлик жамиятига ҳозирча ўтказиш қийин.

Бундан ташқари, ҳозирги қийинчиликлар соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаяпти. Хусусан бултурги ва шу йилги қиш бор хазинамизни олиб кетди. Биргина ем сотиб олишга 700 миллион сўм харажат қилдик. Эртаиндин баҳорги қирқимга киришамиз. Эллик саккиз минг қўйнинг жунини қирқиб олиш учун 100 дона машинка керак. Ҳар бирининг нархи 240 минг сўм. Битта машинка билан 1,5 минга қўйнинг жунини олиш мумкин. Машинка сотиб олишга 24 миллион сўм сарфлаш керак. Сотиб олдик ҳам дейлик. Жуннинг амалдаги нархи билан сотсак, яъни режадаги 93 тонна жун учун 47,5 миллион сўмга эга бўламиз. Қирқишда иштирок этганларга иш ҳақи, энергиядан фойдаланиш, транспорт ҳаражатлари ҳам юқоридаги маблағдан қопланиши керак. Ёхуд 1 килограмм жун етиштириш бизга 2,6 минг сўмга тушаяпти. Бултур жунни 500 сўмдан сотдик.

Энди терига келсак, унинг донасини ялпи режадагисини 3,8 минг сўмдан, қолганини эркин нархда Бухоро қоракўл заводига 4,8 минг сўмдан сотдик. Сотганда ҳам жонимиз ҳалқумимизга келди. Менинг назаримда, заводда 30 дона қоракўл теридан битта пўстин тикилади. У жаҳон бозорида миллионлар билан баҳоланади. Энди таққосланг, ким фойдага, ким зарарга ишлаяпти.

Суҳбат чоғида чўпонлар «Кўкча» давлат хўжалиги тасарруфидаги яйловлар ҳузурида 18-геология-қидирув, 5-кон пармалаш партиялар «ҳукмронлик» қилишаётгани, хоҳлаган ерни ковлашаётгани, бунинг учун хўжаликка ҳеч қандай патент тўламаслигини айтишди. 50-60-йилларда эса яйловларда чашма ва булоқлар бўлган. Қўйлар суғорилган. Ҳозир булоқлардан ном-нишон ҳам қолмаган. Ер ости сувлари 50 метрдан чиқади. Чиқса ҳам яроқсиз. Жумладан, чўпон Ҳикмат Тўймуродовнинг отаридаги 92 метрлик қудуқдан сув олишнинг ўзи бир машаққат. Сув чиқариш учун моторнинг айланишига хизмат қиладиган 200 метр лента зарур. Уни топиш жуда мушкул.

Бундай муаммоларни Жондор туманидаги Амир Темур номли, Пешку туманидаги «Жонгелди», Ромитон туманидаги «Қизилравот» хўжаликларида ҳам қайд қилиш мумкин. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: қоракўлчига ким қайишади? Ўйлаймизки, туманларнинг ҳокимлари, чорвачиликка мутасадди ўртоқлар юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш ҳаракатига тушадилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *ХДП ҳаётидан*

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Фарғона вилоят партия кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроқўмининг 1994 йил 4 мартдаги «Фарғона вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини таргиб қилиш ва рўёбга чиқариш бўйича фаолияти тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида вилоят партия ташкилотлари олдида турган вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Шунингдек, пленум иштирокчилари вилоят партия кенгашининг котиби, Қўқон шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Ф. Азимовнинг «Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг 1993 йилги бюджети ижроси якунлари ва вилоят кенгашининг 1994 йилги бюджети лойиҳаси тўғрисида»ги ахборотини тинглашди.

Маъруза ва ахборот юзасидан бўлган музокараларда Бағдод туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси, партия ва меҳнат фахрийси К. Холбеков, Қува шаҳар халқ таълими бўлими бошлаги партия ташкилоти котиби Т. Абдураимов, Бешариқ туманидаги партия кенгашининг биринчи котиби З. Холматова, Учқўприк туманидаги Кенас фуқаролар йиғини раиси М. Омонова, Сўх тумани партия кенгашининг биринчи котиби М. Тўрабоев ва бошқалар қатнашдилар.

Муҳокама қилинган иккала масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Жалолов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Пленумда Фарғона вилоят ҳокими М. Исломов ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этдилар.

РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасини таргиб ташвиқ қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш, халқ хўжалигининг турли соҳалари раҳбарларининг савиясини янада юксалтириш мақсадида раҳбар кадрлар ўқуви ташкил этилди. Вилоят ҳокимлигида ана шу ўқувнинг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди.

Ўқувда вилоят ҳокими М. Исломов «Мустақил Ўзбекистон: буюк келажакни яқинлаштириш йўлида» мавзуида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги даъватига жавобан олиб борилаётган ишлар тўғрисида сермазмун маърузалар қилишди.

Азимжон ПУЛАТОВ,
Фарғона вилояти партия кенгашининг мафкура бўлими мудири.

• *Партия обрўйи—менинг обрўйим*

ТИЛГА ТУШГАНИ—ДИЛГА ТУШГАНИ

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган Қизилтепа туманидаги «Маликчўл» давлат хўжалиги қорақўлчилари жами қўйлар туёқ сонини 28 минг 374 тага етказишди ёки 16 мингдан ортиқ совлиқнинг ҳар юзтасидан 114 тадан унум олишди. Натижада ўстиришга ўн бир мингдан ортиқ соғлом қўзи қолдирилди. Давлатга 6200 та қорақўл тери сотилди. Шунингдек, жун ва қўзи қоринчаси (ширдон) ишлаб чиқариш режалари ҳам ошириб бажарилди.

«Маликчўл»ликлар жорий йилда ҳам бўш келишмайдиган кўринади. Чунки хўжалик ферма ва отарларида қишлов намунали ўтказилиб, кўкламги тўлга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу ўринда хўжалик бошланғич партия ташкилотига уюшган 48 нафар ХДП аъзоси ташкилотчилик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатишяпти.

— Хўжалик бошқаруви тизимини партия аъзоларисиз тасаввур қилиш қийин, — дейди давлат хўжалиги директори, ХДП аъзоси Шариф Нарзиев. — Айниқса, қорли-қировли кунларда, қўзилатиш мавсумида, ёзги чорва озуқаси тўплаш ойларида партия аъзоларининг кўмаги беқиёс.

Масалан, биргина бош чорвачунос, ХДП аъзоси Севин Эшонқулов йил-ўн икки ой яйловда. У қўйлар туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш билан эмас, аслида яйловлар унумдорлигини ошириш, отарларни табақалаштириб, яйловдан-яйловга кўчириб боқиш билан ҳам муттасил шуғулланади.

Энг муҳими, бу Севиннинг сермаҳсул она совлиқлар зотини яхшилашга иштиёқмандлигидир. Бу сингари ташаббускор, ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар қаторига яна бош ветеринария врачи, ХДП аъзоси Халил Мўминовни, ферма мудирларидан Шойим Шаропов, Ғофур Зарипов, Абдуғафур Халимовларни ҳам қўшиш мумкин.

Аслида «Маликчўл»ни довруқдор қилган ҳам, унинг молиявий жиҳатдан ўсишини таъминлаган ҳам бу — хўжалик бошқаруви тизими билан бошланғич партия ташкилотининг яқинлигидир. Шариф Нарзиев ҳеч қачон «мен директорман» қабилида иш тутмайди. У Ўзбекистон ХДП аъзоси эканлигини ҳис этган ҳолда, ҳар бир масалага жиддий ёндашади. Хўжаликда қанақа янгилик қилса ёҳуд бирор бир бош мутахассисни алмаштирмоқчи бўлса, биринчи навбатда бошланғич партия ташкилотига, энг аввало, унинг котиби Солиҳ Ғиёсовга маслаҳат солади. Бу ўринда хўжаликдаги бошқа жамоат ташкилотлари касаба уюшмаси, ёшлар ташкилотини ҳам четлаб ўтмайди. Бозор муносабатлари, нарх-наво кескин ошишига қарамай, қўйчивонларни ижтимоий ҳимоялаш, хўжаликда қурилиш, ободончиликлар қилиш, қадриятларни, расм-русумларни қайта тиклашга ҳаракат қилиняпти.

Ўн олти мингдан ортиқ совлиқнинг ҳар юзтасидан 112 тадан ошириб насл олишни кўзлаган қорақўлчилар отарларни яйратиб боқишяпти.

Хўжалик бошланғич партия ташкилоти ташаббусларидан яна бири бу — чорва маҳсулотлари, жумладан, жун ва қорақўл терини қайта ишлаш кичик корхоналарининг кўпайишига ҳисса қўшаётганлигидир. Кигиз ишлаб чиқариш ва телпак тикиш кичик корхоналари қуриб, ишга туширилди.

Хуллас, хўжаликда бошланғич партия ташкилоти катта сафарбарлик кучига эга.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДПнинг ёшларга йўриғи

НУКУС. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси қўмитасининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Т. Ўразбоев маъруза қилди. Нотиқ халқ хўжалигида ёшлар фаол ташаббус кўрсата олмаётгани, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан етарли даражада фойдаланилмаётгани, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа хизматларида ёшларнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги сезилмаётганлиги хусусида тўхталди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти раиси У. Аширбеков, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг биринчи котиби А. Тешабоев нутқ сўзладилар.

Ёшлар йиғинида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби А. Асанов иштирок этдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪСИР КУЧИ ОРТЯПТИ

Ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг фуқаролар йиғини тизимлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак?

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ҳудудий партия ташкилотлари котиблари ва фуқаролар йиғинлари раислари, ҳокимликлар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда ана шулар ҳақида гап борди.

Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ғ. Машаров, «Маҳалла» хайрия» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Э. Искандаров маърузалари тингланди ва муҳокама этилди.

Сўзга чиққан нотиқлар ҳудудий партия ташкилотлари сони ўсиб, ХДП билан маҳалла қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани, партия ташкилотлари аҳоли истиқомат жойларида пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишда сезиларли таъсир кўрсатаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими муовини Я. Жуманиёзов нутқ сўзлади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МУСТАҚИЛЛИК, МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ»

Куни кеча Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон ижтимоий-фалсафа ва миллий маданиятни тиклаш маркази ҳамда мазкур олий ўқув юрти ташаббуси билан «Мустақиллик, маданият ва маънавият» мавзуига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Миллий истиқлол туфайли иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва бошқа соҳаларда шиддат билан туб ўзгаришлар рўй бермоқда, — деди Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ж. Туленов анжуманни очар экан. — Айниқса, маданий-маънавий соҳада талай ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги салкам уч йил мобайнида бой ва кўпқиррали маданиятимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз тикланмоқда ва ривожланиб бормоқда».

Анжуманнинг ялпи мажлисида «Мустақиллик ва унинг маданий, маънавий тикланиш ва юксалишидаги аҳамияти», «Миллий маданий мерос, қадриятлар, уларни тиклаш ва тарғибот этиш муаммолари», «Мустақиллик шароитида миллий адабиётнинг инсон маънавий дунёсини шакллантиришдаги ўрни» сингари маърузалар тингланди. Шундан сўнг «Миллий-маданий мерос ва қадриятлар», «Шахснинг маънавий камолоти», «Тил ва адабиёт — маънавият сарчашмаси» каби шўъбаларда алоҳида йиғилишлар бўлиб ўтди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Малиқа» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ички имкониятлар ишга солинмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энг аввало сифатига эътибор жуда катта. Шу боисдан бирлашмада малакали ишчилар сафи кенгаймоқда.

СУРАТДА: тўқув дастгоҳининг ёнида турган Нилуфар Аъзамова, Ҳилола Абдураҳмоновалар бирлашмага қарашли 2-фабриканинг илғор ишчиларидан. Муҳими, улар нинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари сифат тамғаси билан савдога чиқарилмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ишлар кўп, вақт эса кутмайди

Деҳқони тўқ эл бадавлат бўлади. Бир пайтлар одамларни кўпроқ қишлоқ хўжалигига жалб қилиш устида бош қотириларди. Бугун эса... уларнинг қўлини бўшатиш ҳақида қайғурилмоқда. Қишлоқда ҳақиқий ер фарзандлари, жонини жабборга бериб ишлайдиган меҳнаткашлар сараланиб қоляпти. Саноатнинг қишлоққа яқинлашуви куним ўтса бўлди, дегувчиларни қисиб чиқаряпти. Фермерлик хўжаликлари ана шу соҳанинг илк қалдирғочларидир.

— Президентимиз И. Каримовнинг деҳқон (фермер) хўжаликларига эътиборни кучайтирганлиги уларни руҳлантириб юборди. Мулкка муносабат ўзгарганини ҳар қадамда ҳис қилмоқдамиз,— дея сўз бошлади ЎзХДП Фарғона вилояти кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов семинар-кенгашни очар экан.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу тадбир «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш — давр талаби» мавзуида ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирок этдилар. Вилоятда, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари бирмунча ўсди. Фермерлик хўжаликларига ем, ер, техника бериш жадал олиб борилаётир. Самара бундан ҳам салмоқлироқ бўлиши мумкин. Оддий меҳнаткаш-чорвадор ва деҳқонга юртбошимиз Фармонлари мағзини чақиб берадиган одамлар керак. Ана шу вазифани ХДП ташкилотлари котиблари ўз зиммаларига олсалар. Токи, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қиламан, деган қишлоқ ишбилармони қоқилмасин, сарсон бўлмасин.

ХДП Олтиариқ тумани кенгаши чорвачиликни отаҳалиққа олганига кўп бўлди.

— Ишимизни қишлоқ хўжалигисиз тасаввур қила олмаймиз, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Т. Раҳимов. — Ҳокимлик бу борада бизга кўпгина ваколатлар берган.

Семинар-кенгаш айнан Олтиариқда ўтказилганининг боиси ҳам шунда. Унинг қатнашчилари фермер хўжаликларидаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб тажриба алмашдилар.

— Шу билан бирга қиладиган ишимиз ҳам кўп, — дейди Олтиариқ тумани ҳокими А. Муҳиддинов. — Айрим фермер хўжаликларига ер ажратиб беришни тезлаштиришимиз керак.

Бундан атиги икки йил олдин ХДП аъзоси, фермер О. Ҳикматов ерсиз қийналиб, ишдан кўнгли совий бошлаган эди. Давлатдан қарз олиб, олти ака-ука умид билан чорвачиликка қўл урганди. Дастлаб ишлар силлиқ кетди. Чорва сони 96 тага етганида эса ем-хашак, ер муаммоси кўндаланг бўлди. Ҳатто моллар нинг ярмини сотиб юборишга мажбур бўлганди. Туман кенгаши ва ҳокимлик ўз вақтида буни илғаб, фермерни қўллаб-қувватлади. 18 гектар ер берилди. Тушкунлик кайфияти тарқаб, яна ишлар юришди. Маҳсулот таннархи арзонлашди. Эндиликда бу фермер хўжалиги ўзидан ортириб, хайр-эҳсон қилишга ҳам имкон топяпти.

ХДП аъзоси О. Ҳикматов булар ҳақида ғурурланиб сўзлади. Семинар-кенгашда Ўзбекистон туманидан фермер И. Назаров, Фарғона туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги ва Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиблари П. Қодиров ҳамда Т. Ғаниевлар ўз иш тажрибаларини гапириб беришди.

Семинар-кенгашда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда ХДП ташкилоти котиблари нинг вазифалари белгилаб олинди.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ САМАРАСИ

● Каттақўрғон шаҳрининг тарихи эрамизгача бўлган кушонийлар даврига бориб тақалади. «Каттақўрғон тарихи ҳақида» деб номланган янги рисолага қизиқиш билан қаралаётгани ҳам шундан.

Шаҳар ўтмишда халқ ҳунармандлари маскани бўлган. Буюк ипак йўли шаҳар чегарасидан ўтган. Китоб муаллифи Изатулла Бекмуродов бу борада қарийб ўттиз йил изланди. Ниҳоят Самарқанднинг «Зарафшон» нашриётида янги китоб 5 минг нусхада чоп этилди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

I МАЙ—«ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ БАЙРАМИ

Жиззах вилоят газетаси чиқа бошлаганига шу йил 1 майда 20 йил тўлади. Ана шу давр мобайнида «Жиззах ҳақиқати» вилоят ҳаётининг кўзгусига, меҳнаткашларнинг яқин маслаҳатчиси ва беминнат ёрдамчисига ҳам айланди.

Бугунги кунда унинг саҳифаларида вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча қирралари ўз аксини топмоқда. Иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бу йўлдаги ютуқ, камчилик ва муаммолар навқирон газета жамоасининг доимий эътиборида.

Ўтган икки ўн йиллик давомида газетанинг ёш ижодкорлари ҳам тажриба ва малака орттирдилар. Ўз ижодий фаолиятларини ана шу газетада бошлаган «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Анвар Жўрабоев, «Чўлпон» нашриёти бош директори, ёзувчи Нурали Қобул, «Хабар» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ислом Усмонов ва бошқалар бугунги кунда республика ижодкорлари орасида ўз ўрин ва мавқеларини топишган.

Биз жиззахлик ҳамкасбларимизни, унинг барча муштарийларини нишонланаётган сана муносабати билан қутлаймиз. Газета ижодкорларига улкан ютуқлар ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мафкура ва миллатлараро муносабатлар*

МАЪНАВИЙ ҚАЙТА УЙҒОНИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мураккаб даврларини бошдан кечирмоқда. Чунки ёш мустақил давлатимизнинг чинакам шаклланиши ва қарор топишида муқаррар равишда вужудга келган бир қатор янги муаммолар билан бирга ҳал этиш жуда мушкул бўлган илгарида ўта марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик, яккаҳокимлик тизими сиёсати, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганлиги оқибатида юзага келган муаммолар мерос бўлиб қолган эди.

Ижтимоий тараққиётнинг қайси бир муаммосини олиб кўрмайлик, буларнинг бари миллий ва миллатлараро муносабатлар билан боғлиқлилиги ва алоқадорлигини кўрамиз.

70-80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврдаги мамлакатнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги салбий ҳолатлар миллий ва миллатлараро муносабатларда ўз аксини топмаслиги асло мумкин эмас эди.

Бу даврга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, — «марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди». Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайиб, унга бўлган сарф-харажатлар орта борди. Тақчиллик янада кучайди. Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида эди. Киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 12-ўринда, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст эди.

80-йилларнинг ўрталаригача бўлган йиллар давомида мамлакатни ривожлантириш муаммолари унинг ҳал қилинишидан кўра тезроқ ўсиб борди. Иқтисодиётга раҳбарликдаги марказлаштириш якка ҳокимликка айланди. Шу билан бирга раҳбарият ўз ролини тўла даражада бажармаётган эди. Ҳатто кенг миқёсли, стратегик аҳамиятга эга бўлган қарорлар ҳар доим ҳам турмушга жорий этилмасди ёки охиригача етказилмасди. Бу ҳам марказнинг рўй бераётган воқеаларга бўлган таъсирини сусайтирарди. Маҳкамачилик, бюрократизм кучайиб бораётган эди. Бу эса миллий муносабатлар муаммоларидан тортиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришгача — ҳамма нарсага ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Мазкур иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни ғоят долзарб қилиб қўйган эди.

Ўзбекистон ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган 129 миллат ва элат этник таркибининг 70 фоиздан кўпроғини ташкил этувчи туб аҳоли — ўзбеклар устун мавқени эгаллайдилар. Ўзбекистоннинг миллий-маданий ранг-баранглиги, миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жамиятни янгилашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади ҳамда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Маълумки, узоқ йиллар давомида табиий-иқтисодий шароитига ва аҳолисининг меҳнат кўникмаларига кўра пахта етиштириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистонга қандай бўлмасин мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш ва капиталистик мамлакатларга бўлган қарамликдан қутилишни, умуман, пахта соҳасидаги мустақилликни таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифа қанчалик машаққат ва катта йўқотишлар эвазига ҳал этилди. Ўрнига эса, қарам иқтисодиётни олдик.

Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиёт инсон учун эмас, инсон иқтисодиёт учун, аниқроғи, пахта одамлар учун эмас, одамлар пахта учун керак эди.

Марказ маъмурий идоралари умумдавлат манфаатларини ҳимоя қилиш баҳонаси билан Ўзбекистон халқ хўжалигига катта зиён етказдилар. Айни бир пайтда ўз хом ашё базасида юқори самара берадиган тўқимачилик саноати орқада қолиб кетди. Шу тарзда иқтисодиёт батамом издан чиқиб, моддий ва молиявий тақчиллик кучайди. Мустамлакачилик аломатлари сақланиб қоларди.

Бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида ва турғунлик йилларида ижтимоий мулкчиликнинг турли шакллари ва унга мувофиқ хўжалик юритишнинг хилма-хиллиги бузилди. Натижада халқ хўжалигидаги бутун фондларнинг 85 фоизи давлат мулки ҳисобланиб, республикамиз иқтисодиёти ҳам ягона Марказдан туриб бошқариладиган бўлди. Ана шу мантиққа амал қилган ҳолда давлат мулкини 4 тоифага — умумиттифоқ, иттифоқ — республика, республика ва миллий ҳамда маъмурий — ҳудудий мулкка ажратилди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар умумий корхоналарнинг 31 фоизини ташкил этган бўлса, 61 фоизи иттифоқ-республика вазирлик ва идораларига, 8 фоизи тўғридан-тўғри республика ва маҳаллий саноат бошқармаларига тегишли эди.

Республика мустақиллиги эълон қилингунга қадар унинг халқи қанча олтин, мармар, олмос, уран, кумуш қонлари борлиги-ю, бу конлардан қазиб олинаётган дурдоналар миқдори қанча эканлигини мутлақо билишмас эди. Бу бойликларнинг қанчаси республика хазинасига тушаётгани ва қанчаси Марказ хазинасига ташиб кетилаётганини, кимларга ва қандай нархда сотилаётганини билиш ҳатто ман этилган эди.

Умумиттифоқ ва республикалар манфаатларини тўғри ва оқилона бирга қўшиб олиб бориш миллий муносабатларни уйғунлаштиришда катта аҳамиятга эга эди. Бироқ, 70-80-йилларда иттифоқдош республикалар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланмади. Умумдавлат манфаатлари кўпинча рўкач қилиниб, миллий манфаатларга путур етказилди.

Марказнинг иқтисодиётда тутган мудҳиш сиёсати миллатлараро муносабатларни қайта қуриш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлига тўсиқ бўлиб келди. Умумхалқ, умумдавлат ва байналмилалчилик манфаатларининг устунлиги ҳақидаги баландпарвоз нутқлар ва шиорлар ниқоби остида қандай бўлмасин, республикаларнинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссасини сунъий равишда камайтириб, «боқиманда» тамғасини босишдан иборат бўлди.

Кейинги йилларда назорат қилиб бўлмайдиган даражада инқирозга юз тутган мазкур тузум бизнинг республикамизни, унинг халқини оғир ҳаёт шароитига, ҳамманинг умумий камбағаллигига, бартараф этиш ниҳоятда қийин бўлган иқтисодий бўҳрон шароитига солиб қўйди. Бинобарин, вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай, бундай ҳолатга тушиб қолишнинг ҳақиқий сабабларини аниқламай туриб ундан қутилишнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш мумкин эмас эди.

Табиийки, бу ҳодисалар ўз-ўзидан вужудга келган эмас. Уларнинг чуқур илдизлари бор. СССР парчаланишигача бўлган давр ичида мамлакат тараққиётига омилкорлик билан раҳбарлик қилинмаганидир. Қолаверса, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасидаги ўзгаришларни яхши идрок қилиш учун халқнинг тафаккури, иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги (1979—, 1982—, 1987-йилларда) уринишлар барбод бўлди.

Марказ амри билан қабул қилинган кўпсина қарорлар иқтисодий негизи ва ҳуқуқлари кескин торайган Ўзбекистоннинг манфаатларидан анча йироқ эди. Ижтимоий тенгсизлик, аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш тарзининг аянчлилиги, меҳнаткашларнинг долзарб эҳтиёжларини қондириш дастурининг рўёбга чиқарилишидан қониқмаслик, миллий ўзлигини англаш ўсганлиги шароитида миллатлараро муносабатлар борасида ўзига хос вазият вужудга келганди.

Бу йиллардаги миллий сиёсатдаги хатоликлар ва бузилишлар, миллатчиликнинг кўринишларини — маҳаллийчилик, доҳийга сиғиниш, миллий ҳудбинлик, амалпарастлик, миллий нигилизм ва шовинизмни мерос қилиб қолдирди.

Ана шундай шароитда кескинлик кучайиб кўпчилик учун Қозоғистон, Ёқутистон, Арманистон, Озарбайжон, Болтиқбўйи республикаларида, Молдавия ва Фарғона, Тожикистон, Грузия ва Ўшда бўлиб ўтган воқеалар кутилмаган ҳодиса бўлди. Кутилмаганлиги шундаки, биз кўп йиллар давомида ўзимизни миллий масала тўла ва узил-кесил ғалаба қилган деган фикрлар билан тинчлантириб келган эдик.

Миллий муносабатлар масаласи фақат ғоявий ва оммавий-сиёсий ишларгагина тааллуқли бўлиб қолмай, айни вақтда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг қай даражада эканлигига ҳам боғлиқ ва тааллуқли. Бу муносабатларни уйғунлаштириш, энг аввало, туб иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ.

70-80-йилларда мамлакатда шундай ҳолат юзага келиб қолгандики, бунда ҳар томонлама илмий асосланган режалар ўрнига халқ хўжалиги тармоқларини маъмурий-буйруқбозлик ҳукмронлиги асосида кўр-кўрона ривожлантириш авж олганди. Мамлакат улкан қурилишлар майдонига айлантирилиб, бир-биридан йирик иншоотлар ва лойиҳаларни тузиш ва амалга ошириш кундалик эҳтиёжга айланиб қолди. Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга ўқувсизлик, кераксиз харажатларни фойдалисидан фарқлашга қодир эмаслик, доимий исрофгарчилик туфайли камомад, жисмоний ва ақлий меҳнатнинг унумсизлиги, хўжалик юритишнинг услуб ва усуллари ҳамда меҳнатни рағбатлантириш тизимининг бузилганлиги натижасида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан миллатлараро муносабатларда муаммолар тўплана борди.

Миллатлараро муносабатларда мавжуд жараёнларни таҳлил қилиш халқлар дўстлиги, миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва равнақига ҳамда ўзаро яқинлашишига бағишланган қуруқ, баландпарвоз нутқлар билан алмаштирилиб, зиддиятлар, нохуш ҳолатлар, камчилик ва қийинчиликлар хусусида лом-лим дейилмас эди.

Ўзбекистонда бу жараён иқтисодий онгни шакллантиришни, кенг мушоҳадалар ва қиёсий таҳлилларни, ўзаро фикр алмашув ва муҳокаматни ҳам кун тартибига қўйди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, узоқ йиллар давомида жамиятда ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсатининг миллатлараро муносабатларга, кишилар турмуш шароитига, ижтимоий ҳаётга ўтказган таъсирини, унинг салбий оқибатларини таъкидламаслик, уни илмий жиҳатдан мушоҳада этмаслик мумкин эмас. Демократия ва ошкоралик жараёни рўй бераётган ҳозирги шароитда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг иқтисодий жиҳатларида рўй берган ижобий ҳолатлар билан бирга, унинг салбий ва мураккаб жараёнларини ҳам тадқиқ қилиш долзарб масала бўлиб турибди.

Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда йўл қўйилган камчиликлар қай даражада чуқур эканлиги бугунги кунда яққол кўринди қолди.

Бу соҳаларнинг бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ ривожланишини инкор этмаган ҳолда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳадаги муаммолар жамиятимиздаги мавжуд муаммоларнинг энг долзарби ва уларни бартараф этиш миллий масалаларни такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бас шундай экан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дилором БОБОЖОНОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти докторанти.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Ҳомиладорлигим туфайли енгилроқ ишга кўчирилишим керак эди. Бироқ бундай ишнинг ўзи корхонамизда йўқ. Маъмурият иш ҳақи сақланмаган ҳолда уйда ўтиравернинг деяпти. Шу тўғрими?

Иккинчи саволим — ҳомиладор аёлларга туғиш таътили умуман неча кун қилиб белгиланган?

Г. НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Аёлларга туғишга қадар бериладиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари 56 кундан 70 календарь кунга узайтирилган. Туққанидан кейин 56 календарь кун берилади. Бордию туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь кунлик таътил берилади ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ҳамда боласини парваришлаш таътилига йиллик таътил ҳам қўшиб берилади. Бола туғилишидан олдин медицина хулосасига мувофиқ сиз енгилроқ ишга ўтказилишингиз шарт. Агар енгил иш бўлмаганлиги сабабли ишга чиқолмаган бўлсангиз, бу масала ҳал қилингунга қадар ишга чиқмаган барча иш кунларингиз учун корхона (ташкилот, муассаса) ўртача иш ҳақи тўлаши керак. Бундай тартиб янги қоида билан асосланган.

САВОЛ: Мен бу йил олий ўқув юртини битириб ишга жойлашиш ниятидаман. Айтингчи бизга ўхшаган собиқ талабалар синов шарти билан ишга қабул қилинадими ёки синовсизми? Умуман бундай шартдан кимлар озод қилинади?

Х. БАҲОДИРОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Ёш мутахассисларни ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуасининг 27-моддасига бирмунча аниқликлар киритилган. Жумладан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда битирган шахслар ўқишни тамомлагандан кейин икки йил давомида ишга қабул қилинганида, шунингдек, Ватан уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар ишга қабул қилинганида синов шарти белгиланмайди.

Демак, сиз ҳам шундай имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

САВОЛ: Мен 1993 йилнинг май ойида пенсия ёшига тўлган эдим. Шу муносабат билан маъмурият мен билан икки йилга меҳнат шартномаси тузган эди. Эшитишимча, ҳозир бундай шартномалар тузилмас экан. Биз тузган меҳнат шартномаси ҳам бекор бўлиши керакми?

З. НАЗАРОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: Илгари пенсия ёшига етган ишчи ва хизматчилар билан меҳнат шартномаси тузиш қонидаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуасининг 22 (примм)-моддасида белгилаб қўйилган эди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан шу—22(примм)-моддаси муомаладан чиқарилди. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг ёзма шаклда тузилиши ҳамда номуайян муддатга, муайян — беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ва муайян ишни бажариш учун кетадиган вақтга тузилиши белгилаб берилди.

Агар илгари меҳнат шартномаси ҳам ёзма, ҳам оғзаки тузилиши (21-модда) мумкин бўлса, эндиликда бундай шартнома (контракт) фақат ёзма равишда тузилади.

Агар илгари муддатли меҳнат шартномаси (22-модда) фақат уч йилгача бўлган муайян муддатга тузилган бўлса, эндиликда бу шартнома (контракт) беш йилгача муайян муддатга тузилиши қонун билан белгилаб қўйилди.

Сиз билан маъмурият томонидан икки йил муддатга тузилган шартнома ўз кучини йўқотмайди. Чунки шартнома тузилган вақтда ўша — 22 (примм)-моддаси амалда қўлланилиб келинган.

Фақат томонларнинг (сиз ва маъмуриятнинг) келишуви билангина ҳар қандай шартнома (контракт) ўзгартирилиши мумкин.

САВОЛ: Биз яқинда билим юртини тамомлаймиз. Кундузи эса заводда ишлаймиз. Имтиҳонларни топшириш учун йилига неча кун ҳақ тўланадиган ишдан озод қилинишимиз мумкин?

К. ТОҲИРОВ, С. ОРИПОВ, Чилонзор тумани.

ЖАВОБ: Кечки (сменали) шаклдаги ўрта мутахассислар тайёрловчи билимгоҳлар, билимгоҳларнинг кечки (сменали) бўлимларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли таълим олаётган ходимлар имтиҳонларга тайёрланиш ва уларни топшириш учун асосий ишлаб турган жойидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда йил давомида ўттиз иш куни мобайнида ишдан ҳоли қилинадилар.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 57

1994 йил 30 апрель.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• ИСЛОҲОТ ВА ОДАМЛАР

Янгиланиш, покланиш жараёни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишни истаган ҳар бир инсон учун катта имконият яратмоқда. Зеро, одамлар нима учун, кимнинг манфаати учун ишлаётганликларини яхши биладилар. Шахсий манфаат бор жойда эса албатта умумий манфаат ҳам юзага келади. Бинобарин киши оиласидан, рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, у умумий бойлик яратишга ҳам муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати концерни тасарруфидаги Тошкент маъданли сув қуйиш корхонаси ишчи-хизматчилари ҳам шундай қилишмоқда. Чунки кейинги вақтда уларнинг маошлари анча ошди. Энди раҳбарлар уларга турли буйруқлар беришмайди. Аксинча самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиб бермоқдалар.

КЕЛАЖАККА КЎЗ ТИКИБ...



Ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш учун ҳамда дам олиб даволанишлари учун амалий ишлар қилинаётир. Масалан, корхонада март ойидаги ўртача маош 200 минг сўмни ташкил қилди. Малакали мутахассислар эса 250-270 минг сўм маош олишмоқда. Бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликларидан ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳар иш кунига 500 сўмдан овқат пули тўланмоқда. Олис жойларда яшовчи ишчилар автобусда корхонага олиб келинади ва яна уйларига элтиб қўйилади. Корхонанинг ёнгинасида жойлашган Н. А. Семашко номидаги физиотерапия клиникасида ишчилар ўз соғлиқларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган. Ушбу клиника билан ўзаро шартнома тузилган. Ишчи ва хизматчилар имтиёзли равишда ўз саломатликларини тиклаб оладилар.

Бундай ғамхўрликдан руҳланган корхона жамоаси ойлик режаларини ҳамиша ошириб бажараётир. Жамоада 210 нафар киши меҳнат қилади. Республика аҳолисини, жумладан, пойтахт аҳолисини шифобахш минерал (маъдан) суви билан таъмин этиш корхона меҳнаткашларининг асосий вазифасидир.

Ўтган йили бу ерда 46 миллион шиша минерал сув ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагидаёқ ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 27 минг шиша минерал сув кўп ишлаб чиқарилди.

Бу йил корхонада қўшимча равишда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, Мисрнинг «Делта ароматик» фирмасида лимон, апельсин ва мандарин концентрати олинди. Йилнинг биринчи чорагида шундай ичимликлардан 420 минг шиша ишлаб чиқарилди. Айни вақтда 200-250 минг шиша минерал суви шаҳримиз аҳолисига етказиб берилмоқда.

Хўш, бундай ютуқларга қандай қилиб эришиляпти? Ахир собиқ Иттифоқ корхоналари билан иқтисодий алоқалар узилиб қолган пайтда хом ашё топиш масаласи муаммо бўлиб турган бўлса? Бунинг иложи қандай топилди?

— Биз, — дейди корхона директори Аҳмаджон Ҳидоятов, — асосан республикамиз раҳбариятининг, хусусан Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона иқтисодий сиёсатидан мамнунмиз. Чунки Ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар тобора яхши йўлга қўйилишидан корхонамиз ҳам манфаатдор.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатлар миқёсидаги олди-бердини, клиринг усулидаги савдони йўлга қўйгани яхши бўлди. Қувасойдаги шиша идишлар ишлаб чиқариш корхонаси бизга шишаларни етказиб беради.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Айни вақтда Қувасойдаги шиша ишлаб чиқариш корхонаси шишани бизга ўз вақтида етказиб беролмаяпти? Сабаб... заводда ишлаб чиқарилаётган шишалар тўғридан-тўғри Қозоғистон Республикасига қиммат нархларда ёки бартер эвазига юборилянти. Бугунги кунга келиб йилнинг биринчи чорагида режадаги 10 миллион шишадан бор-йўғи 250 минг шиша етказиб берилди, холос.

Қувасой заводи Тошкент минерал сувлари ишлаб чиқариш корхонасини ўз вақтида имконият даражасида шишалар билан таъмин этиб турсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Бозор иқтисодиётининг қийинчиликларига қарамай корхона тинимсиз ўз маҳсулотини халқимизга етказиб бермоқда. Биз корхона цехларини айланар эканмиз бу гапларнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Шишаларга конвейер усулида минерал сувлар қуйилмоқда. Зулфира Асадова, Ўлмасой Ҳамидова, Раҳим Бегалиев, Йўлдош Тўлаганов, Раҳматулла Акбаров сингари илғор ишчилар корхонада ғайрат ва шижоат кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар корхона омборхонасидан машиналарга ортилиб, шаҳримиз дўконларига етказиб берилмоқда. Корхонадаги мавжуд цехларнинг ҳаммаси автоматлаштирилган.

Яқинда Зангиота туманида геологларнинг изланишлари ва қидируви натижасида минерал сув булоғи топилди. Булоқ 60-65 градус иссиқликда ҳамда 2,7 атмосфера босимида отилиб чиқиб турибди. Йилнинг охирига бориб «Зангиота» минерал сувларини Тошкентдаги корхонада қадоқлаш режалаштирилган. Янги минерал сув «Зангиота» деб номланади. Бу сув инсон организми учун фойдали томонлари билан ажралиб туради. Айниқса, буйрак ва жигарлардаги тош билан оғриган кишиларни даволаш учун қўл келади. Ушбу минерал суви Украинада ишлаб чиқарилаётган «Трусковец» минерал сувидан икки баравар яхши ижобий хусусиятга эга эканлиги тиббиёт олимлари томонидан исботлаб берилди. Зеро биз минерал сувларнинг инсон саломатлиги учун фойдали томонларини яхши биламиз.

Яқин кунларда корхона қошида кичик корхона очиш мўлжалланмоқда. Кичик корхонада синган шишалар қайта эритилиб ва ишланиб ундан стаканлар, гулдонлар, кулдонлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Умуман корхона ўтган йили 150 млн сўм соф даромад олди. Бу йилнинг биринчи чорагидаги натижалар ҳам чакки эмас. Корхона бундан кейин ҳам келажак сари илдам одимлашига ишончимиз комил. Тадбиркорлик билан иш тутилса етарлича имкониятлар мавжуд. Шундай экан фақат ҳалол меҳнат билан мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига, гуркирашига ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА:
Тошкент минерал сув ишлаб чиқариш корхонаси директори Аҳмаджон ҲИДОЯТОВ.

Сув қуйиш цехининг илғор оператори Ўлмасой ҲАМИДОВА иш устида.

Ёш ишчи Шоҳида ҲАИТОВА маҳсулотларни саралаб олмоқда.

Суратларни Козимжон ЎЛМАСОВ олган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Материалшунослик, машинасозликда иссиқлик двигатели, автомобиль ва тракторлар, йўл қурилиш машиналари, ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, автомобиль транспортини ишлатиш, автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприк ва транспорт тонеллари, гидравлика ва муҳандислик гидрологияси, ер ости қурилиши, иқтисод, режа (менежмент).

Докторантурага:

Автомобиль транспортини ишлатиш; иссиқлик двигатели.

Ҳужжатлар 28 апрелдан бошлаб қабул қилинади.
Танлов имтиҳонлари узлуксиз йил давомида кичик гуруҳларда топширилади.

Қабул тартиб-қоидалари бўйича институтга мурожаат қилишингиз мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри Мовароунноҳр кўчаси, 20-уй, 1-хона.

«ЯНТАРЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўзбек ва хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар рўйхатида қайд этилди ва давлат реестрига киритилди.

Қайд этилган сони — 1025.

Қўшма корхона ушбу манзилгоҳда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 14-уй.

«Ирит—2» кичик корхонаси

УЙ ҚУРИШДА СОЗ УСКУНА

«ИРИТ-2» кичик корхонаси шиббалаб хом ғишт ишлаб чиқариш учун ускуналар таклиф этади.

Хом ашё — сув қуймасдан қориладиган лой ёки М—50 ғиштбоп маркали цемент.

Ускуна унумдорлиги — соатига 180 дан 450 тагача ғишт тайёрланади. Пишириш тақозо этилмайди. Бизнинг ускунамиз қишлоқларда ва якка тартибда уй қурилишида ғоятда қўл келади.

ТЕЛЕФОН: 62-52-91.

44-47-20. (соат 18.00 дан кейин).

"Дельта - Инвест" М. Ч. Ж.

1. Хабаровскка жўнатиш учун 300 тонна карамни сўм-купонларни ҳисобга ўтказиш йўли билан сотиб олади.

2. Карамларни жойлайдиган яшчикларни харид қилади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар билан ҳамкорлик қилиш учун шартномалар тузади. Ишлаб чиқариш учун инвестицияларга кафолат берамиз.

TEKNESLS - INFO

Тел.: 67-86-79. Факс: 67-85-86.

5 май куни Андижон вилоятининг ХОНОБОД шаҳрида халқ севган санъаткор Ўзбекистон халқ артисти

Сойиб ХУЖАЕВ

хотирасига бағишланган

«КУЛГИ КУНИ»

бўлиб ўтади.

«Кулги куни»да республиканинг барча вилоятларидан таниқли актёрлар ва қизиқчилар иштирок этадилар. Барча кулгисевар. мухлисларни «Кулги куни»га таклиф этамиз.

МАНЗИЛГОҲ: Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи.

Биллур қандил, 9999 пробадаги кумуш, кир ювиш машинаси, рангли кўрпа жилдлари

СОТИЛАДИ

Телефон: 29-70-72.

«Қамаши» ёпиқ акционерлик жамияти томонидан Қиём АБДУНАЗАРОВ номига берилган № 33, 34 рақамли ишонч қоғозлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА КОНЦЕРТ

14—15 МАЙ
Соат 18.00 да
Ғиёс БОЙТОЕВ
ҚУЙЛАЙДИ

Лирик қўшиқлар оқшомида:
Муҳаммад ЮСУФ, Болтабой ТОШМЕТОВ
ва раққосалар қатнашади.
Чипталар сотилмоқда.
Касса соат 10 дан ишлайди.

ҚУТЛОВ

Меҳрибон отажонимиз Ғаниҳўжа ТОЖИХУЖАЕВнинг таваллуд топган кунлари ҳамда онажонимиз Ҳабибахон ая билан турмуш қурганларига 50 йил тўлганлиги муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Ота-онамизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Эҳтиром билан: фарзандларингиз ва невара-чевараларингиз.

«АҚАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД

ЎЗБЕК—ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизнинг хизматингизга дунёга машҳур бўлган тикув ва тўқув машиналарини таклиф этади:

- **Тўқув машинаси Зингер КМ 610**
- **Тўқув машинаси Зингер КМ 624**
- **Тикув машинаси Зингер супер у окназ**
- **Тикув машинаси Зингер феличита**
- **Пресс дазмоли**
- **Оверлок 3 ва 5 ипли**

Сизда биз билан ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди!

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 67-77-03, 68-24-18.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омборлардан олий навли Хитой кўк чойи, деворга ёпиштириладиган ювиладиган гулқоғоз, кир ювиш машиналари, чет эл ароқлари, миксерлар, қандиллар ва бошқа халқ истеъмоли моллларини сотади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 45-57-68, 45-49-52, 45-60-39, 45-85-56.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 2. V

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Баҳор нашидаси». Адабий композиция. 18.40 «Унутилган ўйинлар». Телефильм. 18.55 «Ҳуқуқий жамият сари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Муқаддас Ҳаж сафари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Қуйла, созим». Концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Театр учрашувлари». 22.25 «Учовлон йўлга чиқди». Бадиий фильм. 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Оддий кун». Телефильм. 20.00 «Билиб қўйган яхши». 20.20 «Ватан туйғуси». 20.45 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Телеэкранда — премьера. «Каротин аслида бўлганми?» Бадиий фильм. 2-серия. 20.35 «Ҳақиқат онлари». 21.30 «Рақс марафони». 22.20 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Чорраҳа». Телефильм. 22.50 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.55—00.45 Киномарафон. «Мадемуазель О». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «КВН—94». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». Рукн премьераси. 20.40 Николай Сличенко билан учрашув. 21.30 «Академия». Дам олиш кўрсатуви. 22.00 Янгиликлар. 22.40—22.55 «Спорт уик-энди».

Сешанба, 3. V

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм. 10.05 «Фитрат». Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 1-дарс. 11.00 «Конимехлик чўпон». Телефильм. 11.15 «Китоб ва ҳаёт». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Уч опа-сингил». 18.30 «Мулкдор». Телеочерк. 19.05 «Ансамбль». Фильм-концерт. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Пилла—бойлигимиз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ёшлар ижоди». Санобар Сафарбоева куйлайди. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси олдидан. 21.55 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм. 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Малик Қаюмов». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Нурли хотиралар».

«ОМАД» таништиради:

21.25 Эълонлар. «Киноногоҳ».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк». 9.30 «Курьер». 9.45 «Рок ҳақида». 10.15 «Ҳар соҳадан бир шингил». 10.25 «Совға». 10.55 «Даракчи». 11.05 Эълонлар. 11.10 Видео-«О». 12.50 Эълонлар. 12.55 «Курьер». 13.10 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 13.25 Эълонлар. 13.30 «Даракчи». 13.40 Эълонлар. 13.45 Видео-«О».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 321-серия.

18.40—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Телеэкранда — премьера. «Джокер». Бадиий фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 «Даҳонинг ёшлиги». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Даврани кенгроқ олинг». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Бомонд». 20.45 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Терминатор». Бадиий фильм (АҚШ). 22.40 Катталар учун мультфильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35—00.25 Профессионаллар ўртасида кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади.

Чоршанба, 4. V

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «ГАИ инспектори». Бадиий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 2-дарс. 11.00 «Боболардан қолган бу наво». Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 12.00 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 12.15 «Ҳаёт гулшани». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Таълим ва ислоҳот». 18.40 «Нақшлар бўстони». Телефильм. 18.55 «Ўзбекона лутф». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Истиқбол эгалари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Мерос». Аз-Замахшарий. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси олдидан. 21.55 «Анор». Ботир Зокиров хотирасига бағишланади. 23.15 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Спринт». 20.15 «Шаҳар юмушлари». 21.15 «Ёшлик чоғларимизда». 21.40 «Оқшом тушишига бор ҳали». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.00—18.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.35 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 313-серия. 19.30 «Спорт, қишлоқ ва фантазия». Телефильм. 19.55 Катта жанжал. «Ҳамма нарса сотиладими?» 20.30 «60 дақиқа». «Си-Би-Эс» ва Россия телевидениесининг биргаликдаги кўрсатуви. 21.30 «L-клуб». 22.30 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Икки жангчи». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 «Тамаки капитан». Телевизион бадиий фильм. 22.00 Янгиликлар. 22.35 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж». 22.40 — 22.55 «Х» программаси.

Пайшанба, 5. V

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 10.25 Лотин алифбоси. 10.55 Ўсмирлар учун. «Тенгдошларинг ижодидан». 11.35 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.50 «Ёшлик» студияси. «Ипаклари тиллодан». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Чорраҳа». 18.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Бир ҳикмат бор муҳаббатда». Эркин Мадраҳимов лирикаси. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида. 22.25 «Марду майдон». Андижон вилоятидан кўрсатув. 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Нотаниш қўшиқ». Телевизион бадиий фильм. 20.20 «Тошкент оқшомлари». 21.40 Хор куйларидан концерт.

«ОМАД» таништиради:

22.10 Эълонлар. «Киноногоҳ».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.00—18.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 314-серия. 19.20 «Ҳеч ким унутилмайди». 19.30 «Нафосат оламида». Телефильм. 19.50 «Ўз ўйини». 20.25 «Вилоятдан мактублар». «Саратов зиёлилари». 21.20 Спорт кўрсатуви. 21.25 «Футбол. Кубок эгаларининг кубоги финали. 22.30 Телефильм. 22.50 «Тафсилотлар». 23.00 «Юлдузлар билан суҳбатда». 23.05—00.35 Футбол. Кубок эгалари кубогининг финали. «Парма» (Италия) — «Арсенал» (Англия) Танаффус пайтида — Криминал хабарлар экрани.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Тонг». 17.55 «Петербург сирлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия. 18.55 «Табиат оғушидаги инсон». Ю. Нагибининг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм (АҚШ). 21.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 21.50 «Музобоз». 22.30 «Авто-шоу». 22.45 А. Ведерников куйлайди. 23.00 —23.35 Янгиликлар.

Шанба, 7. V

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.15 «Кўк қуш». Бадиий фильм. 10.55 «Шоҳруҳ» клуби». 11.25 «Халқ ижодиёти». 12.05 «Ёшлик» студияси. «Касбим — фахрим». 12.40 «Ўзбекистон авиациясининг 70 йиллиги олдидан». Кинодастур. 13.15 «Кичкинтой» устахонаси. 13.45 «Гул ва Наврўз». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Баҳодирлар бўтқаси». Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Орзуларинг қутлуғ, болажон». 18.40 Ғалаба байрамига. Республикада хизмат кўрсатган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Тилларанг ришталар жозибаси». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Қишлоқ ҳаёти». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 22.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.30 «Афғон рубоб оҳанглари». Фильм-концерт. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Дилдан суҳбатлашайлик». 22.05 «Водиллик келин». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.40—16.00

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 11.50 «Безнен мирас» (татар тилида). 12.25 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 12.40 «Светлица полска». 13.00 «Дидар» (қозоқ тилида). 13.35 «Экран юлдузлари». Мерилин Монро. 14.10 «Си-Эн-Эн» ячгиликлари (инглиз тилида). 14.25 «Чинсэн». 15.05 «Мусиқа оламида». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Телеэкранда — премьера. «Даҳо». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 Эълонлар. 20.35 «Даҳо». Бадиий фильм. 2-серия. 22.10 Бир санъаткор театри. «Сукунат». И. Вишняков.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Чинор». Бадиий фильм. 2-серия.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Ганновер-стрит». Бадиий фильм премьераси (АҚШ). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Байрам микрофони». Радио кунига бағишланган концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан кўрсатилади. 22.00 Янгиликлар. 22.45—22.55 «Монолог».

Якшанба, 8. V

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.00 «Менинг маҳаллам». 10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 65—66-сериялар. 12.00 «Эл ардоқлаган аёл». Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова. 12.50 «Турон тулпорлари». 13.10 «Қизил Яримой шуъласи». Ўткир зеҳнлилар мусобақаси. 14.10 А. Навоий номидаги Наманган мусиқали театри артистларининг концерти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Сенимли, шошмай тур!». Мультфильмлар тўплами. 18.30 «Ўғил — умид юлдузи». 19.05 «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди». Фильм-концерт. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Кулги базми». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 «Ойнаи жаҳонда...» 21.50 «Кулги базми» (давоми). 22.40 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйлайди. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Мультфейерверк». 17.30 «Рок ҳақида». 18.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 18.10 «Совға». 18.40 Эълонлар. 18.45 Видео-«О». 20.15 «Курьер». 20.30 «Келинг, танишайлик». 20.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 21.10 «Даракчи». 22.20 Эълонлар. 22.25 Видео-«О».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.15—16.00

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.25 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». 13.05 «Мўъжиза яратган қўллар». 13.30 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.45 «Гиёвандлик гирдоблари». 14.15 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари». 15.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.15 «Таниш тароналар». 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Ретро-шлягер». 19.50 «Оловларда қозонилган ғалаба». 20.30 «Садоқат». Бадиий фильм. 21.55 «Дўстлар даврасидаги суҳбатлар».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Чинор». Бадиий фильм. 3-серия.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17:35 «Мен таваккалчи грузинман», Булат Окуджава. 18.35 «Экран» таништиради. «Қотилликка қилинган қасд изтироблари». Телевизион бадиий фильм премьераси (Довженко номли киностудия Киев тижорат маркази иштирокида сувратга олган). 20.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 20.50 «Пешонангдагини кўрасан». Ю. Соломин. 21.45—23.00 «50х50» телешоуси.

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

НОШИРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Одамларда маънавият ўлмасин, деймиз. Ҳақ гап. Зеро, инсоннят ривожланиш чорраҳасида ҳамиша маърифат, фаннинг этагини маҳкам тутган. Илло, бусиз олдинга силжиш, дунёвий маълумотларни илғай билиш мумкин эмас. Бугунги босқичда юртимиз аҳли ҳам знёга, маънавиятга муҳтож. Ваҳоланки, эзгуликка ҳамоҳанг ҳаракатларнинг аксариятида ҳам зиё, маънавий етуклик бор. Пойтахтимизда ўтаётган Германиянинг биринчи китоб кўргазмаси мустақил (мамлакатимизнинг мазкур соҳа вакиллари учунгина эмас, барча китобсеварлари учун ҳам байрамдир.

Кўргазма Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ва Германиянинг Франкфурт шаҳрида жойлашган китоб савдоси биржалар уюшмаси қошидаги эътиборли жамият билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Мазкур жамият ходими Ютта Розер хонимнинг таъкидлашича, илгари Ўзбекистонда ГФР нашриётлари фаолияти, улар чоп этаётган китоблар ҳақида билишмасди ҳисоб. Ниятимиз — дейди у. — Нафақат таништириш, балки бу китобларни мамлакатингизда савдога чиқариш ҳамдир. Қолаверса, ноширларимизнинг ҳамкорлик қилишларини ҳам кўзлаяпмиз. Шу боис «Германияда китоб савдоси ва нашриёт соҳасини хусусийлаштириш тажрибаси» мавзуида семинар ҳам ташкил этдик.

Тошкентдаги кўргазманинг очилишида Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси мутасаддилари, мамлакатимиз матбуот қўмитаси раҳбарлари иштирок этдилар. Кўргазма Фарғона водийси, Самарқанд ва Бухорода ҳам ўтказилди. Унда 1800 нусхадаги 200 га яқин нашрлар ҳавола этилмоқда. Китоблар, журналлар каталоглар... Кўргазмага ташриф буюраётган юзлаб юртдошларимиз ривожланган бу мамлакатнинг нашриётлари иши ҳақида уларнинг маҳсулотлари орқали баҳолаш имкониятига эга бўлишяпти.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган.

КАРОМОВНИНГ «БЕШ» ЛАРИ

Ҳаётда ҳар кимнинг севган рақами бўлади. У азалдан «5» рақамига ишқибоз бўлди. Қашқадарёнинг Касби туманидаги ўрта мактабда ўқиб юрганида нуқул «5» оларди. Тошкент Давлат университетида ҳам шу рақамга ўчлигини исботлади. Агар йигитлик кучини ёшлар газетасига сарфлаган бўлса, айни камолотга эриша бошлаганда «Ўзбекистон овози»нинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбирлик лавозимида қаламнинг қудратини намоён қилди. Ва бу борада ҳам ишлари бешлигини шундан билса бўладики, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлди.

Оилавий ҳаётда ҳам ишлари беш: фарзандлари сони бешта. Ҳозирча Илҳомжон ва келини Дилрабодан икки неварали бўлса, Гулбаҳор, Шуҳрат, Шаҳзода, Шавкатлардан ҳам умидлари катта. Турмуш ўртоғи Зайнабхон билан гаплашсангиз «Илоҳим, шу болалар бахтига дадалари саломат бўлсин» дейди. Дадалари ким дейсизми?

Йилнинг **бешинчи** ойида туғилган, эртаиндин 50 ёшини нишонлаётган мухбиримиз Мусо Каромов-да.

Ҳамиша ишингиз «5» бўлаверсин, Мусо оға!

Ҳазил расмни бешинчи қаватда Маҳмуд ЖЎРАЕВ чизди.

● *Сўраган эдингиз*

МИНГ ДАРДГА ДАВО

«Очиғини айтсам, дорихоналарда «пашша қўриб» ўтирилгани сир эмас. Бозорчиларнинг иши чаққон. Турли хил дори-дармонларни ерга ёйиб, уларни сақлаш ва фойдаланиш қоидаларидан бехабар, чўнтакларини қаппайтиришга зўр бермоқдалар. Кўпдан бери «Гербалайф» дорисн ҳақида қимматли фикрларни эшитиб келаман. Лекин ундан фойдаланишга кўнглим чопмайди. Иложи бўлса ана шу дори ҳақида мутахассисниг фикр-мулоҳазалари баён этилса, кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўларди.

Абдуҳаким АБДУМАЛИКОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Биз шу муносабат билан Тошкент шаҳар андрология марказининг раҳбари Владимир ФИРИДКИНга мурожаат қилдик.

— «Гербалайф» гиёҳ-ҳаёт маъносини англатади деди у, — халқаро талабларга жавоб берадиган бу дори асосан АҚШда ва мамлакатнинг хорижий фирмаларида тайёрланади. Дори экологик жиҳатдан тоза, асосан ўт-гиёҳ хом ашёсидан тайёрланиб, таркиботининг мураккаблиги билан ажралиб туради ва жаҳон стандартларига жавоб беради. Чунончи, у юрак қон-томири, астма, инфаркт миокард ҳолатидан кейин модда алмашинувини фаоллаштириш, қанд касаллиги, ошқозон-ичак хасталиги билан боғлиқ муолажаларда қўлланилади.

— **Одамлар ўртасида «Гербалайф» семизликдан холис бўлиш учун қўл келади, деган гаплар юради.**

— Умуман тўғри. Лекин доридан фойдаланишда аниқ тавсиялар билан иш кўрилмаса касаллик оқибати ёмон кечиши мумкин. Чунки гап 5-10 килограммгача вазн йўқотиш ҳақида бораётгани йўқ. Балки ўрта бўй кишининг 130-140 килограммли вазнини рисолага келтириш хусусида бормоқда. Чунки, бундай семизликни биз инсондаги эндокрин тизими, яъни модда алмашинувининг бузилиши, қанд касаллигининг келиб чиқиши ёки овқатнинг яхши ҳазм бўлмаслиги каби иллатлар билан боғлиқ, деб биламиз. Бундай ўзгаришлар оқибатида халқ таъбири билан айтганда сув ичса ҳам ёғга айланиб, бесўнақай семириш юзага келади. Биз амалиётда кўриб турганимиздек, аёлларнинг фарзандли бўлиши, эркакларга оталикнинг насиб этиши каби бахтиёр онлардан маҳрум бўлиш мумкин экан. Биз эса «Гербалайф»нинг қандай таркибда тайёрланганлигига қараб, беморларга тавсия қилишимиз, даволашимиз ва айни пайтда семизликдан ҳоли этишимиз мумкин бўлади. Бу дорининг хосияти шундаки, касалликни даволашда бошқа дори-дармонлар билан бирга фойдаланилса ҳам зарар етказмайди. «Гербалайф» ўз таркибида аминокислоталар, дармондорилар, микроэлементларнинг бисёрлиги билан ажралиб туради. 20-30 килограммгача вазн йўқотган киши ана шу дори туфайли ўзини тетик ва бардам сезади.

— **«Гербалайф»ни бозорда қўлдан олиш ҳам хавфли, ҳам пули чақади. Хўш, хосиятли бу дорини қаердан олса бўлади?**

— Бу дори ҳозирча «Узмедимпэкс» ташқи савдо бирлашмасига қарашли дорихоналарда кўплаб топилади. Бу дори турли мақсадларга мўлжалланган ва ҳар хил таркибда тайёрлангани учун беморларга шифокорлар тавсияси бўйича фойдаланишларини маслаҳат берардим.

Ҳайдар НОСИРОВ.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топириш вақти — 21.00.
Г — 890 тир. 85501. топширилди — 21.30.
Навбатчилар: М. МУҲСИМОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.